

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

12-сон
(1188)
2025 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

102. «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 19 мартдаги ЎРҚ–1048-сон Қонуни
103. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўрта-сида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 19 мартдаги ЎРҚ–1049-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

104. «Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги ПФ–50-сон Фармони
105. «Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизими самарадор-

лигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги ПФ–51-сон Фармони

106. «Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги ПФ–52-сон Фармони [Кўчирма]
107. «Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги ПК–115-сон қарори

Бешинчи бўлим

108. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2025 йил 14 мартдаги 2-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил 7 мартдаги 3347-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 13 мартдаги 238-сон “Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-9*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****102 Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
24 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 25 январда
маъқулланган

1-модда. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог» фахрий унвони таъсис этилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги 176–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда, № 5, 299, 300-моддалар, № 6, 334-модда, № 12, 688-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 790-модда; 2024 йил, № 8, 832-модда) **7-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўттиз бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог»;

ўттиз бешинчи, ўттиз олтинчи ва ўттиз еттинчи хатбошилари тегишинча **ўттиз олтинчи, ўттиз еттинчи ва ўттиз саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида**»ги 226–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5-6, 114-модда, № 9, 164-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 688-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 8, 832-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) 1-модда:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 мартда эълон қилинган.

қуйидаги мазмундаги **ўттиз бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог»;

ўттиз бешинчи, ўттиз олтинчи ва ўттиз еттинчи хатбошилари тегишинча **ўттиз олтинчи, ўттиз еттинчи ва ўттиз саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»** фахрий унвони тўғрисидаги матндан кейин қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог» фахрий унвони мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини ривожлантириш, табиатни асраб-авайлаш, биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш борасида салмоқли натижаларга эришган, шунингдек экологик жиҳатдан тоза ва инновацион технологияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалиётга жорий этишда, яшил ҳудудларни кенгайтиришда ва кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ёш авлодни табиатга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда тизимда юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида фидокорона меҳнат қилаётган мутахассис-ходимларга ва соҳа вакилларига, шунингдек мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошираётган экофаолларга берилади»;

3) **Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»** фахрий унвонининг кўкрак нишонига оид тавсиф матнидан кейин қуйидаги мазмундаги **матн** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог»

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг юз томони марказида, кўтарилаётган қуёш нурлари фонида, икки томонга очилган, асраб-авайлашни ифодалайдиган кафтлар узра юртимиз табиатини акс эттирувчи водий, дарёлар ва тоғ чўққилари тасвирланган.

Нишоннинг айланаси бўйлаб пастки ўнг қисмида дафна новдаси тасвирланган ва юқори қисмида «XIZMAT KO`RSATGAN EKOLOG» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Нишоннинг юз ва орқа томонлари чеккалари қабарик ҳошия билан ўралган.

Кўкрак нишонининг ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

Қадағичнинг бўйи 16 миллиметр, эни 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида нишонни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич тарзидаги мослама мавжуд».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 март,
ЎРҚ–1048-сон

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог»
фахрий унвони**

Олд томони



Орқа томони



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**103** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
3 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 22 февралда
маъқуланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 март,
ЎРҚ–1049-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 мартда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

104 Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодийдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларда бизнес муҳитини янада яхшилаш, иқтисодий ўсишга туртки берувчи янги бизнес ташаббусларни амалга оширишга қўмаклашиш, рақобатбардош маҳсулотлар билан янги ташқи бозор сегментларига чиқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

I. Асосий мақсадли кўрсаткичлар

1. 2025 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга, саноатда — 34 фоизга, экспортда — 34 фоизга ва аҳоли бандлигини таъминлашда 75 — фоизга етказиш;

(б) камида 600 нафар кичик ва ўрта бизнес субъектларининг йириклашишига қўмаклашиш орқали уларни «чемпион» тадбиркорларга айлантириш;

(в) ичимлик ва оқова сув, йўл, қурилиш, коммунал хўжалик, утилизация, миграция, маданият ва ижтимоий хизматларда кичик бизнес улушини камида 2 бараварга ошириш;

(г) 100 нафардан кўп ишчиси бор тадбиркорлик субъектлари сонини 4 мингга етказиш;

(д) Саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш ҳисобига камида 100 та кичик ва ўрта бизнес субъектларида бренд маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

(е) кичик бизнес субъектлари иштирокида камида 200 та стартап лойиҳаларни амалга ошириш;

(ж) узоқ муддатли ижарага берилган 30 минг гектар экин ер майдонида юқори даромадли экинларни етиштириш, 16 та ихтисослашган агрокомпания фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда 9 та замонавий агросаноат хўжалигини ташкил қилиш.

II. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг йириклашувини рағбатлантириш

2. 2025 йил 1 майдан бошлаб «ўзини ўзи банд қилган шахс — якка тартибдаги тадбиркор — кичик бизнес — ўрта бизнес — йирик корхона» занжи-

ри асосида тадбиркорлик субъектларининг йириклашувини рағбатлантириш бўйича шундай механизмлар жорий қилинсинки, уларга мувофиқ:

(а) ўзини ўзи банд қилган шахслар якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганда, давлат божи ундирилмайди;

(б) ўз фаолиятини тегишинча якка тартибдаги тадбиркор, микрофирма ёки кичик корхона тоифасигача йириклаштирган ўзини ўзи банд қилган шахслар ва тадбиркорлик субъектларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 50 миллион сўмгача, Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида — 150 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар берилади;

(в) ўз фаолиятини тегишинча ўрта ёки йирик бизнес тоифасигача йириклаштирган тадбиркорлик субъектларига — бир йил давомида қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) етти кун муддатда тезлаштирилган тартибда амалга оширилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк 2025 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 120 триллион сўм, шу жумладан, тадбиркорлик дастурлари доирасида 22 триллион сўм миқдоридagi кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикасида:

(а) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида янгидан ташкил этилган ва ҳисоб рақамида етарли маблағлар айланмасига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига уларнинг гаров таъминотидан келиб чиқиб кредит ажратишга рухсат берилсин;

(б) Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар юридик шахсларга онлайн режимда микрокредит ажратиш жараёнларини соддалаштирсин ва уларни тезкор тасдиқлаш механизмларини жорий қилсин;

(в) Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида Ижтимоий ҳимоя ягона реестрида турган ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига ушбу фуқаролар учун ташкил қилинган ҳар бир иш ўрнига қўшимча равишда 10 миллион сўмдан, 10 ва ундан кўп бундай иш ўринларини ташкил қилган субъектларга 100 миллион сўмгача 3 йилгача муддатга йиллик 14 фоиз ставкада айланма маблағларни тўлдириш учун кредит ажратиш амалиёти йўлга қўйилсин;

(г) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тижорат банклари билан биргаликда ушбу банднинг «в» кичик бандида келтирилган талаблар бажарилишини доимий мониторинг қилиб, белгиланган мезонларга амал қилмаган қарз олувчилар бўйича кредит фоиз ставкасини бозор ставкаларига ўтказиш чорасини кўриб борсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тез ва юқори суръатларда ўсаётган тадбиркорлик субъектларини «чемпион» тадбиркорларга айлантириш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Белгилансинки, Дастур доирасида «чемпион» тадбиркорларга айланти-

риладиган ташкилотлар рўйхати шакллантирилиб, унга қуйидаги мезонларга жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари киритилади:

(а) туман (шаҳар) даражасида — ҳар бир туман (шаҳар)да камида 2 тадан йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан юқори бўлган ва 50 тадан ортиқ иш ўрни яратган тадбиркорлик субъектлари;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — ҳар бир ҳудудда камида 5 тадан йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан юқори бўлган ва 500 тадан ортиқ иш ўрни яратган тадбиркорлик субъектлари;

(в) республика даражасида — йиллик айланмаси 1 триллион сўмдан юқори бўлган ва 5 мингдан ортиқ иш ўрнини яратган тадбиркорлик субъектлари.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда «чемпион» тадбиркорларга айлантириладиган ташкилотлар рўйхатини шакллантирсин;

(б) давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган тижорат банклари, «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ, «UzVC» миллий венчур фонди билан биргаликда «чемпион» тадбиркорларга айлантириладиган ташкилотларни қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

8. 2025 йил 1 майдан бошлаб:

(а) 1-иловага* мувофиқ 20 та туманда Саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари (кейинги ўринларда — Лойиҳа офислари);

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган 9 та штат бирлигидан иборат Саноатни жадал ривожлантириш бўйича бош лойиҳа офиси ташкил этилсин.

9. Белгилансинки:

(а) Лойиҳа офислари:

(i) кичик ва ўрта бизнес субъектларига консультация хизматларини кўрсатади ва улар учун муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер, маркетинг-логларни ҳамда бошқа малакали хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилади;

(ii) ўзлари бириктирилган туманда 10 тадан драйвер лойиҳаларни ишга тушириш, 5 тадан миллий бренд маҳсулотларини яратиш, кичик ва ўрта бизнеснинг ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини 1,5 баробар оширишга масъул бўлади;

(б) Лойиҳа офислари фаолиятини ташкил қилиш ҳамда хорижий мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун 2025 йилда Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилади.

10. Қуйидагилар:

(а) 2026 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(б) 2026 йил 1 январдан кучга кирадиган Миллий хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари рўйхати ва «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш мезонлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

III. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун соддалашган маъмурий тартиб-таомилларни жорий қилиш

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) 2028 йил 1 январга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга мораторий эълон қилинади;

(б) тадбиркорлик субъектларига янги тартибга солиш воситаларини белгилашни ёки амалдагиларини кучайтиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан «ягона санадан янги қоидалар» тамойили қўлланади ва ушбу нормаларнинг кучга кириш санаси 1 январь ёки 1 июль этиб белгиланади;

(в) 2028 йил 1 январга қадар «Биринчи имконият» тамойили жорий этилади ва унинг доирасида биринчи фаолият йили давомида савдо ва тадбиркорлик соҳаларига оид маъмурий ҳуқуқбузарликни илк бор содир этган кичик тадбиркорлик субъектлари маъмурий жавобгарликдан озод этилади;

(г) ушбу банднинг (а) ва (б) кичик бандлари талаблари фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, қонунчилик ҳужжатларини Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга татбиқ этилмайди.

12. Белгилансинки, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фаолиятини ихтиёрий равишда тугатишда солиқ текшируви ўтказилмайди:

(а) охириги уч йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади 10 миллиард сўмдан ошмаган;

(б) бюджет ва кредиторлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳамда мунтазам равишда солиқ ҳисоботларини тақдим этаётган;

(в) «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст даражада таснифланган.

13. Мазкур Фармон кучга киргунга қадар фермер хўжаликларининг солиқ қарздорлиги бўйича ҳисобланган пеня ҳисобдан чиқарилсин ҳамда суд ва ижро ишларининг ушбу пеняни ундириш билан боғлиқ қисми тугатилсин.

IV. Кичик ва ўрта бизнес учун инфратузилмани яхшилаш

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йилда ҳудудларда амалга ошириладиган драйвер лойиҳаларни зарур инфратузилма билан таъминлаш учун қўшимча 500 миллиард сўм маблағ ажратсин.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. 2025 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Лойиҳа офислари тавсиясига асосан юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига майдони 10 минг кв метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини 5 йил муддатга текин фойдаланишга бериш тизими жорий этилади;

(б) 4-иловага* мувофиқ 15 та туман (шаҳар)даги маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотлари биноларига тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш дастури амалга оширилади ва унинг доирасида:

(i) маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳа асосида янги барпо этиладиган кўп қаватли бинога жойлаштирилади;

(ii) янги барпо этиладиган кўп қаватли бинонинг 1 ва 2-қаватлари тадбиркорлик субъектларига мулк ҳуқуқи асосида реализация қилинади;

(iii) маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотларини кўчириш натижасида бўшайдиган давлат кўчмас мулк объектлари бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилади.

V. Янги бизнес йўналишларини қўллаб-қувватлаш

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инновацион ривожланиш агентлиги, «UzVC» миллий венчур фонди, «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ билан биргаликда:

(а) 2026 йил якунига қадар венчур жамғармалар иштирокида 5-иловага мувофиқ янги бизнес йўналишларида камида 200 та стартап лойиҳалар амалга оширилишини таъминласин;

(б) муваффақиятли амалга оширилган ҳар бир стартап лойиҳа натижасида яратилган янги турдаги маҳсулотлар ва хизматларни техник регламентлар ҳамда стандартларга киритиш орқали уларнинг давлат харидлари тизимида сотилишини йўлга қўйсин;

(в) уч ой муддатда стартап лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида «UzVC» миллий венчур фонди ҳузурида Стартап лойиҳаларни мувофиқлаштириш марказини ташкил этсин.

17. «UzVC» миллий венчур фондига стартап лойиҳалар экотизимини ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тўғридан-тўғри инвестициялар киритишга рухсат берилсин.

18. Стартап лойиҳаларни молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида:

(а) Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2026 йил якунига қадар «United Ventures» МЧЖ ва «SQB Ventures» МЧЖ венчур жамғармалари орқали 50 миллион АҚШ доллари ажратилишини таъминласин;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган тижорат банклари ҳамда венчур жамғармалар билан биргаликда 2026 йил 1 апрелга қадар хориждан 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни жалб қилсин.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

VI. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнес учун шароитларни яхшилаш

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2025 йил кузги экиш мавсумидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 февралдаги ПФ–18-сон Фармонига мувофиқ ер участкаларини ижарага олувчиларнинг мустақиллиги ва юқори қўшилган қийматга эга экинлар етиштиришга асосланган янги тизимни қўшимча 30 минг гектар ер майдонида жорий қилсин.

20. Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кенгаш (С. Аннакличев) «Uzagrostar holding» компанияси билан биргаликда 2025 йилда:

(а) хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш занжирини қамраб олган 9 та замонавий агросаноат мажмуаларини ташкил этсин ҳамда улар ёрдамида камида 10 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари брендини яратсин;

(б) агросаноат мажмуалари фаолиятига кўмаклашиш ва ҳамроҳлик қилиш учун хорижий давлатлардан тажрибали агротехнолог, маркетинг, бренд-менежер каби мутахассисларни жалб қилсин.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йилда замонавий агросаноат мажмуаларини ташкил этиш дастуридаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан 200 миллиард сўм ажратсин.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

22. Савдо-саноат палатаси ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг Кичик бизнес уюшмасини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

23. Қуйидагилар:

(а) 2025 — 2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегияси 6-иловага мувофиқ;

(б) 2025 — 2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари 7-иловага* мувофиқ;

(в) 2025 — 2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари 8-иловага* мувофиқ;

(г) Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегиясини 2025 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 9-иловага* мувофиқ;

(д) Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) таркиби ва унинг асосий вазифалари 10* ва 11-иловаларга мувофиқ;

(е) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ки-

* 7 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳудудий маслаҳат кенгашининг намунавий таркиби ва унинг асосий вазифалари 12* ва 13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

24. Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош бошқармалари Савдо-саноат палатаси ҳамда Кичик бизнес уюшмаси билан биргаликда:

(а) ҳар ҳафта биттадан туман (шаҳар)га чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашсин;

(б) учрашувларда қўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича алоҳида платформани ишга туширсин;

(в) учрашувлар ўтказиш вақти ва жойи ҳақида олдиндан маҳаллий телевидение, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиб борсин.

25. Бош вазир ўринбосарлари Ж. Қўчқоров ва Ж. Ходжаев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари билан биргаликда:

(а) бир ой муддатда ҳудудларга чиқиш графигини ишлаб чиқиб, ҳудудларнинг салоҳияти, имкониятлари ва истиқболли лойиҳа таклифлари юзасидан тадбиркорлик субъектлари иштирокида тақдимотлар ўтказиб борсин;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида халқаро молия ташкилотлари билан ишлаш офислари фаолиятини йўлга қўйиб, ушбу ташкилотларнинг йўриқномалари, стандартлари ва талабларини тадбиркорлик субъектларига етказиш бўйича платформа ташкил этсин.

26. Давлат органлари тегишли қонуности ҳужжатлари ва идоравий қўрсатмалар қабул қилинишини кутмасдан мазкур Фармон нормаларининг кучга кирган пайдан эътиборан сўзсиз ва тўғридан-тўғри амалда қўлланилишини таъминласин.

27. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

28. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 март,
ПФ–50-сон

* 12-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПФ–50-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**2026 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган
шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият
(ишлар, хизматлар) турлари
РЎЙХАТИ**

1. Болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар.
2. Оилавий болалар уйини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш.
3. Беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига мухтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар.
4. Уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, шу жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш.
5. Жисмоний шахсларнинг сантехника ускуналарини майда таъмирлаш ва ўрнатиш.
6. Жисмоний шахсларга квартира ичида (шахсий қурилиш ишларида — уй ичида) электр монтаж хизматлари кўрсатиш (электр хавфсизлиги бўйича рухсати бўлганда).
7. Деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг томорқа ер участкаларида ер чопиш ва рекультивация ишлари.
8. Фермер хўжаликлари эгалари, пилла етиштириш ва ипак қурти уруғчилиги ташкилотлари буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари (қишлоқ хўжалиги ўсимликлари, ипак қуртини ва ҳайвонларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиш, тут қўчатларини экиш ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари).
9. Фуқароларнинг дала-ҳовли ва томорқа участкалари ландшафтини барпо этиш ишлари.
10. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб олишда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари эгаларига ёрдам бериш.
11. Чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш, шу жумладан, уруғлантириш, қўзилатиш, қирқиш ва дағал хашак жамғариш ишлари.
12. Жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва созлаш хизматларини кўрсатиш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш ишлари.
13. Буюртмачининг уйида бажариладиган маиший техникани ўрнатиш ва таъмирлаш.
14. Жисмоний шахсларнинг автомобилларини ювиш, автомобиллар кузовларини силлиқлаш.
15. Механизация воситаларини қўлламай, уйда бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари.

16. Халқ табобати (лицензияси бўлганда).
17. Хусусий шахсларга бош хизматкор ва консърж хизматларини кўрсатиш.
18. Буюртма асосида товарларни етказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно).
19. Бозорлар ва савдо комплексларида майда юкларни араваларда ташиш.
20. Илгари фойдаланилган товарларни сотиб олиш ва сотиш.
21. Велосипедларни таъмирлаш.
22. Рассомлик.
23. Аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича пойабзал тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш.
24. Калитлар тайёрлаш.
25. Ўлчов воситалари тайёрлаш ва ижарага бериш.
26. Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш.
27. Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш.
28. Миллий нон ва патирларни тайёрлаш ва сотиш.
29. Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар).
30. Намойишларда кийимлар моделини намойиш қилиш, расмли журналларда, реклама фильмлари ва видео клипларда суратга тушиш.
31. Мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компютер ўйинлари дизайнери, интерьер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, архитектор, визуаллаштирувчи дизайнер, маълумот дизайнери, интерфейс дизайнери, техник дизайнер, моушн-дизайнер, баннер ясовчи, нашриёт дизайнери, флешер, 3D-дизайнер, видеомуҳаррир, видеооператор, бастакор, овоз режиссёри, аранжировкачи, суҳандон, фотомуҳаррир ва бошқалар).
32. Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобиль иловалар ва веб-сайтларни ишлаб чиқиш ва техник қўллаб-қувватлаш (дастурчи, дастурий таъминотни синовчи мутахассис, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-таҳлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис).
33. Электрон савдо майдончасида товарларни (ишларни, хизматларни) чакана сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш.
34. Ижтимоий тармоқлардаги фаолият (PR-менеджер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни илгари суриш ва реклама қилиш (SMM), ижтимоий тармоқ саҳифалари администратори, аккаунт-менежер, маркетинг, линк-менежер, таргетолог, контекст-реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа режалаштирувчи, SMO мутахассиси).
35. Кадрлар танлаш соҳасидаги фаолият (интернет-лойиҳалар билан ишловчи менежер, фрилансерлар гуруҳи раҳбари, HR-менежер, рекрутер, шахсий ассистент).
36. Онлайн консультация бериш (онлайн-консультант, онлайн-тренер, молиявий маслаҳатчи, вебинар олиб боровчи).
37. Номоддий маданий мерос объектларини (дорбоз, аския ва лапар)

асраш ва улардан фойдаланиш (маданият марказлари таркибида фаолият юритаётган шахслар бундан мустасно).

38. Уй шароитида хонаки товукларни етиштириш ва кўпайтириш.

39. Ҳамширалик иши.

40. Уй ҳайвонлари (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар) бозорларида воситачилик хизмати.

41. Автомобиль бозорларида воситачилик хизмати.

42. Уйда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш хизмати.

43. Гипс ва ганчдан буюмлар ясаш (уй жиҳозлари, эртак қаҳрамонлари ҳайкаллари ясаш).

44. Тош ва тош маҳсулотларидан ёдгорлик, сувенир ва декоратив буюмлар тайёрлаш.

45. Ёғоч маҳсулотларидан сават, нон маҳсулотлари учун махсус идиш ва бошқа буюмларни тўқиш.

46. Уй шароитида пилла етиштириш, шахсий томорқа ер участкасида тут меваси, ниҳоли ва кўчатини етиштириш, уйда ипак мато, ипак гилам тўқиш ва сотиш.

47. Кулолчилик.

48. Киберспорт фаолияти.

49. «Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг стипендияси» тайинланган спортчилар фаолияти.

50. Тери хомашёсини йиғиш ва тайёрлаш.

51. Жунни йиғиш ва тайёрлаш.

52. Қайта ишланган жундан кийимлар ва бошқа буюмлар тўқиш.

53. Уй шароитида лойдан тандир тайёрлаш.

54. Атлас ва адрас тўқиш.

55. Майда мунчоқ (бисер) тикиш.

56. Дўппидўзлик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш.

57. Темирчилик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш.

58. Асаларичилик, шунингдек, асалари уяси ва рамкаларини ясаш.

59. Қуроқчилик усулида кўйлак, кўрпа ва ёпинчиқлар тикиш.

60. Қўзқоринларни териш, уй шароитларида етиштириш ва сотиш.

61. Пичоқ тайёрлаш, чархлаш ва сотиш.

62. Қоғоздан қутилар, бандероллар тайёрлаш.

63. Уй шароитида иссиқхона маҳсулотларини етиштириш.

64. Тайёр маҳсулотга этикетка бириктириш.

65. Уй шароитида болалар ўйинчоғи ишлаб чиқариш.

66. Уй шароитида супурги етиштириш ва тайёрлаш.

67. Ясси оёқли болалар оёқ кийимларини тайёрлаш.

68. Миллий тақинчоқлар ясаш.

69. Кандакорлик, мискарлик буюмларини уй шароитида тайёрлаш.

70. Дағал жундан гилам, кўрпа ва ёстиқ тайёрлаш.

71. Артемия цисталарини йиғиш ва топшириш.

72. Енгил автотранспорт воситасида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш (лицензия варақаси бўлганда).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПФ–50-сон Фармони
5-ИЛОВА

**Венчур жамғармалар иштирокида стартап лойиҳалар амалга
ошириладиган янги бизнес йўналишлари
РЎЙХАТИ**

1. Сунъий интеллект, блокчейн, катта ҳажмли маълумотлар, ақлли ва рақамли технологияларни иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш.
2. Иқтисодиёт тармоқларида яшил ва энергия тежамкор технологиялар, қайта тикланадиган ресурслардан фойдаланиш.
3. Инновацион ва смарт технологиялар асосида тиббий ва бошқа хизматларни кўрсатиш.
4. Уй-жойлар, ижтимоий объектлар ва давлат муассасаларида муқобил энергия воситалари асосида ишлайдиган иситиш ва совитиш қурилмаларини ўрнатиш.
5. Кўп квартирали ва яқка тартибдаги уй-жойларда ишлатилган сувни қайта ишлаш, сувни тежаш мақсадида «ақлли технологиялар»ни ўрнатиш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
6. Ер унумдорлигини ошириш, шўрланиш даражасини камайтириш, ме-лиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация муаммоларини ҳал этиш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш.
7. Сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлар учун сувсиз иқлим шароитларига мос ва чидамли ўсимликларни етиштириш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПФ–50-сон Фармони
6-ИЛОВА

2025 — 2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш СТРАТЕГИЯСИ

1. 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 200 миллиард АҚШ доллариغا етказиш, камбағаллик даражасини 5 фоиздан пастга тушириш ҳамда Ўзбекистонни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш бўйича барча имкониятлар етарли.

2. Ушбу устувор мақсадларга эришишда барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлган кичик ва ўрта бизнес учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг яшовчанлигини ошириш ҳамда йириклашишини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

3. Бугунги кунда 283,9 минг нафар якка тартибдаги тадбиркорлар ва 905,8 минг кичик ва ўрта корхоналар фаолият кўрсатмоқда, ушбу соҳада 10,5 миллион аҳоли банд (жами банд аҳолининг 74 фоизи).

4. 2024 йил якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 54,3 фоизи, саноатнинг 32,4 фоизи, экспортнинг 33,3 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

5. Уч йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари улуши 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингтага етди, ишчилари сони 100 нафардан кўп бўлган корхоналар сони 3 мингга яқинлашди.

6. Шу билан бирга Жаҳон савдо ташкилотига кириш шароитида кичик ва ўрта бизнес субъектлари рақобатбардошлигини ошириш, улар томонидан инновацион, рақамли ва «яшил технологиялар»дан фойдаланишни кенгайтириш, халқаро стандартлар ва қоидаларни жорий қилишга кўмаклашиш орқали янги бозорларга чиқишни рағбатлантириш зарур.

7. Шунингдек, аҳолини тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ва бизнесга жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш, ҳудудларда бизнес учун зарур инфратузилмани барпо этиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг арзон молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш лозим.

8. Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик ва ўрта бизнес ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш билан бир қаторда илғор хорижий тажриба асосида ижтимоий ва экологик масъулиятни ошириш юзасидан янги ёндашувларни жорий қилиш зарурати юзага келмоқда.

9. Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 март куни кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2025 — 2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқилди.

1-боб. Стратегиянинг асосий мақсади ва устувор йўналишлари

10. Стратегиянинг асосий мақсади — ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали кичик ва ўрта бизнес учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда соҳада рақобатбардошликни ошириш.

11. Бунда 2030 йилга қадар кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 60 фоизга етказиш, соҳадаги экспорт ҳажмини 20 миллиард АҚШ долларида ошириш ҳамда 2 миллиондан ортиқ янги иш ўринларини яратиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилди.

12. Шу мақсадда қуйидагилар Стратегиянинг устувор йўналишлари этиб белгиланмоқда:

- (а) молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш;
- (б) бизнес учун зарур инфратузилмани ривожлантириш;
- (в) рақобат муҳитини яхшилаш ва ташқи бозорларга чиқишни рағбатлантириш;
- (г) рақамлаштириш, сунъий интеллект ва инновацияларни жорий этиш;
- (д) кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини ошириш;
- (е) тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ва бизнес учун малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- (ж) масъулиятли бизнес амалиётини жорий қилиш.

1-йўналиш. Молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш

1-мақсад. Молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини ошириш

(а) давлат томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларининг юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятини диверсификация қилишга нисбатан таъсирини баҳолаш;

(б) кичик ва ўрта бизнес субъектларининг йириклашишини рағбатлантиришга қаратилган манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этиш;

(в) илғор хорижий тажриба асосида кредит кафолатлари тизими имкониятларидан кенг фойдаланишни таъминловчи норматив ва институционал базани шакллантириш.

2-мақсад. Молиявий қўллаб-қувватлашда нобанк кредит ташкilotларининг иштирокини кенгайтириш

(а) нобанк кредит ташкilotларининг давлат дастурлари ва халқаро молия институтларининг кредит линияларидаги иштирокини кенгайтириш;

(б) тижорат банклари, микромолия ташкилотлари ва лизинг компаниялари томонидан рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахсларга тажриба тариқасида кредит ажратишни жорий этиш орқали уларнинг фаолиятини расмийлаштиришга қўмаклашиш.

2-йўналиш. Бизнес учун зарур инфратузилмани ривожлантириш

3-мақсад. Ер участкалари ва давлат мулки объектлари ажратишни кенгайтириш

(а) юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига бўш турган давлат қўчмас мулк объектларини текин фойдаланишга бериш тизимини жорий этиш;

(б) маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотлари жойлашган биноларга тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш дастурини амалга ошириш, бунда:

(i) маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотларини намунавий лойиҳа асосида янги барпо этиладиган қўп қаватли бинога жойлаштириш;

(ii) янги барпо этиладиган қўп қаватли бинонинг 1 ва 2-қаватларини тадбиркорлик субъектларига мулк ҳуқуқи асосида реализация қилиш;

(iii) маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотларини қўчириш натижасида бўшайдиган давлат қўчмас мулк объектларини тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш;

(в) ер участкаларини танлаш ва электрон онлайн аукцион савдоларига чиқаришдан олдин тадбиркорлик субъектларининг ушбу ер участкаларига бўлган талаб ва қизиқишини мажбурий тарзда ўрганиш амалиётини жорий қилиш;

(г) аҳоли пунктларида бўш турган ер участкаларидан мастер режа асосида фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

4-мақсад. Инфратузилма билан боғлиқ қонунчилик базасини такмиллаштириш

(а) инфратузилма билан таъминлашга оид жараёнларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида инфратузилма лойиҳаларини танлаб олиш, молиялаштириш, бошқариш ва мониторинг қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ва консолидация қилиш;

(б) инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш борасида халқаро стандартлар, рейтинг ва сертификация талабларини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;

(в) инфратузилмани барпо этиш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш механизмларини янада такомиллаштириш;

(г) муқобил энергия соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

5-мақсад. Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини инфратузилма билан таъминлашни такомиллаштириш

(а) барча махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги инфратузилма ҳолатини комплекс баҳолашдан ўтказиш;

(б) махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш;

(в) махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида объектларни лойиҳалаштиришда табиий газга муқобил бўлган ёқилғи тури ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланишга устуворлик бериш;

(г) махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш.

6-мақсад. Инфратузилмани ривожлантиришга хусусий секторни жалб қилиш

(а) инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашда давлат органларининг айрим функцияларини аутсорсинг асосида тадбиркорлик субъектларига бериш;

(б) электр энергиясини тақсимлаш тизимида хусусий секторни жалб қилиш;

(в) энергетика соҳасида рақобатли улгуржи ва чакана бозорларни жорий этиш;

(г) давлат-хусусий шериклик асосида энергияни сақлаш тизимларини жорий қилиш.

3-йўналиш. Рақобат муҳитини яхшилаш ва ташқи бозорларга чиқишни рағбатлантириш

7-мақсад. Ички бозорда рақобат муҳитини яхшилаш

(а) нуфузли халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда ҳар икки йилда ички бозордаги рақобат муҳитини мустақил баҳолаш;

(б) хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда рақобатбардошлик индексини ишлаб чиқиш ҳамда шу асосда ҳудудлардаги рақобат муҳитини таҳлил қилиб бориш;

(в) рақобат ривожланган тармоқларда давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда уларга берилган эксклюзив ҳуқуқ ва имтиёزلарни бекор қилиш;

(г) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган давлат функцияларини илғор хорижий тажриба асосида аудит қилган ҳолда хусусий секторга ўтказиш чораларини кўриш;

(д) эксклюзив ҳуқуқ берилган соҳадаги ваколатли давлат органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эксклюзив ҳуқуқларини бекор қилиш ёки сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлигини ҳар йили кўриб чиқиш.

8-мақсад. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш

(а) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий методологиялар асосида баҳолаш ҳамда натижаси бўйича аниқланган тўсиқлар ва номутаносибликларни бартараф этиш;

(б) ҳудудларнинг ихтисослашуви ва рақобат устунликлари асосида «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш ва уларнинг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш;

(в) содалаштирилган ва умумбелгиланган солиқ тўловчилар ўртасидаги тафовутни қисқартириш орқали кичик тадбиркорлик субъектларининг йириклашиш имкониятларини кенгайтириш.

9-мақсад. Ҳудудларда саноатни жадал ривожлантириш

(а) туманларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, босқичма-босқич саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳудудларда драйвер лойиҳаларни амалга ошириш;

(б) хорижий давлатлардан инженер, технолог, дизайнер, бухгалтер, маркетинг каби мутахассисларни жалб қилган ҳолда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг юқори қийматли ташқи бозорларга чиқишига қўмаклашиш;

(в) кичик ва ўрта бизнес субъектларига зарур технологик асбоб-ускуналар харид қилиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар брендини яратишга қўмаклашиш;

(г) туманларни улар ихтисослашган соҳалар бўйича илғор технологиялар марказига айлантириш, бунда кичик ишлаб чиқариш қувватларини йириклаштириб, саноат даражасига олиб чиқиш учун зарур шароитлар яратиш;

(д) кичик асбоб-ускуналар, тиббий воситалар ва электроника буюмларини ишлаб чиқариш каби драйвер соҳаларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш.

10-мақсад. Давлат харидлари тизимида кичик ва ўрта бизнес иштирокини кенгайтириш

(а) хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда барқарор давлат харидларини, шу жумладан, «яшил харид»ларни босқичма-босқич жорий этиш;

(б) илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш.

11-мақсад. Ташқи бозорларга чиқишни рағбатлантириш

(а) стандартларнинг ихтиёрийлигини таъминлаш, замон талабларига жавоб бермайдиган эскирган стандартларни бекор қилиш ҳамда халқаро стандартларни (ISO/IEC/АОАС) амалиётга жорий қилиш;

(б) мажбурий сертификацияни бекор қилиш, халқаро аккредитацияга эга хорижий лабораторияларнинг натижаларини эътироф этиш;

(в) техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ва уларни халқаро стандартлар (Codex Alimentarius, WTO SPS Agreement) талабларига мослаштириш, бунда маҳсулот хавфсизлиги учун энг муҳим стандартларни мажбурий талаб сифатида сақлаб қолиш;

(г) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда Зарурий гигиена амалиёти (GHP), Зарурий ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ҳамда Хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари (НАССР) тамойилларига асосланган тартибга солиш тизимини жорий қилиш;

(д) тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятида халқаро стандартларни жорий қилишни рағбатлантириш;

(е) ЖСТнинг энг қулай давлат режимига мувофиқ халқаро аккредитациядан ўтган органлар билан ўзаро тан олиш тўғрисида битимлар тузиш;

(ж) экспорт қилинадиган давлатларнинг ташқи савдога оид талаблари, ушбу бозорларга кириш қоидалари ҳамда улардаги мавжуд экотизим билан танишиш имконини берувчи электрон платформани ишга тушириш.

4-йўналиш. Рақамлаштириш, сунъий интеллект ва инновацияларни жорий этиш

12-мақсад. Стартапларни молиялаштириш экотизимини яхшилаш

(а) венчур жамғармалар иштирокида сунъий интеллект, «ақлли», рақамли, «яшил» ва ресурс тежовчи технологиялар каби янги бизнес йўналишларидаги стартап лойиҳаларга инвестиция киритиш;

(б) муваффақиятли амалга оширилган стартап лойиҳалар натижасида яратилган янги турдаги маҳсулотлар ва хизматларни техник регламентлар ҳамда стандартларга киритиш орқали уларнинг давлат харидлари тизимида сотилишини таъминлаш;

(в) стартап лойиҳалар экотизимини ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «UzVC» миллий венчур фонди ҳузурида Стартап лойиҳаларни мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш;

(г) венчур жамғармаларни ривожлантириш ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш учун хориждан маблағлар жалб қилиш;

(д) илғор халқаро тажрибалар асосида стартаплар, венчур молиялаштириш ва «бизнес фаришталар» фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, бунда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини белгилаш;

(е) «Global startup ecosystem index» рейтингда Ўзбекистонни топ-75 талик мамлакатлар рўйхатига олиб чиқиш, дунёнинг стартап марказлари рўйхатида Тошкент шаҳрининг ўрнини яхшилаш ҳамда камида 3 та шаҳарнинг ушбу рўйхатдан жой олишини таъминлаш;

(ж) илғор хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистонда стартап ва инновацияларни тижоратлаштириш жараёнининг ҳар бир босқичини тизимли тартибга солиш.

13-мақсад. Инновациялар жорий этишни рағбатлантириш

(а) инновацион маҳсулотларни халқаро амалиётда умумэтироф этилган ёндашувлар асосида таснифлашга ўтиш (инновациялар таксономияси);

(б) ҳар икки йилда кичик ва ўрта бизнес соҳасида устувор инновацион йўналишларни белгилаш ва ушбу йўналишлардаги лойиҳаларни молиялаштириш;

(в) давлат ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион ишланма ва лойиҳаларни венчур жамғармалар, «бизнес фаришталар» ва мустақил экспертлар томонидан танлашга босқичма-босқич ўтиш;

(г) Глобал инновациялар индекси ва Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси рейтингларида мамлакат ўрни яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатадиган инфратузилма лойиҳаларини устувор равишда молиялаштириш.

5-йўналиш. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини ошириш**14-мақсад. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳар бир тоифаси билан индивидуал ишлаш тизимини жорий этиш**

(а) ҳар бир тоифа (якка тартибдаги тадбиркор, микро, кичик, ўрта ва йирик корхона) бўйича тадбиркорлик субъектларининг аниқ ҳисобини юритиш ва улар билан манзилли ишлашда табақалашган ёндашувларни жорий қилиш;

(б) кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида далилларга асосланган сиёсатни юритиш учун микро даражадаги батафсил таҳлилий маълумотларнинг яхлит тизимини қўйидаги ёндашувлар асосида шакллантириш:

(i) «Тадбиркор аёлларнинг молия кодекси» (WE Finance Code) индикаторлари асосида бизнеснинг гендер статистикасини юритиш;

(ii) Жаҳон банкининг Бизнес муҳити ва корхона самарадорлиги тадқиқоти (BEEPS) мувофиқ тадбиркорларнинг ёши, жинси, фаолият соҳаси, технологик интенсивлиги, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, маҳаллий ва хорижий ҳамкорлари, инновациялар даражаси ва ижтимоий мақсадлар каби мезонлар асосида микро даражада статистикани юритиш;

(iii) бизнесни қўллаб-қувватлаш институтлари, шу жумладан, бизнес инкубаторлар ва акселераторлар, технопарклар, инновацион хаблар, бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг ягона реестрини шакллантириш;

(iv) давлат томонидан жорий этилган қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмлари, улардан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари, қамров даражаси ва самараси каби кўрсаткичларни микро даражада акс эттириш;

(в) бизнеснинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

(г) тадбиркорлик субъектларининг ҳар бир тоифасига хос бўлган асосий

рисклар харитасини тузиш ва уларни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

15-мақсад. Бизнеснинг шаклланиши ва ривожланишига тўсқинлик қилувчи салбий омилларни бартараф этиш

(а) тадбиркорлик субъектларининг бозорга кириши йўлидаги техник, маъмурий ва бошқа тўсиқларни ҳар йили мустақил баҳолаб бориш ва мақсадли «йўл хариталари» асосида уларни бартараф этиш ёки юмшатиш чораларини кўриш;

(б) бизнес учун тўсиқ ва чекловларни белгиловчи ҳаракатларга нисбатан ҳар икки йилда бир марта «тартибга солувчи гильотина» усулини қўллаш;

(в) фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналарнинг давлат олдидаги мавжуд кичик қарзлари қолдиқларини ҳисобдан чиқариш ва уларнинг фаолиятини қайта тиклашга кўмаклашиш тартибини жорий этиш.

16-мақсад. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини тизимлаштириш

(а) тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг ягона реестрини яратиш, юритиш ва жамоатчиликка эълон қилиш ҳамда улар самарадорлигини мустақил баҳолаш асосида ҳар икки йилда бир марта қайта кўриб чиқиш;

(б) гаров талабларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, асосий қарзнинг тўланишига мутаносиб равишда гаров нарсасини босқичма-босқич гаровдан озод қилиш механизминини жорий этиш;

(в) хўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий дастурий ечимлар (ERP ва бошқалар) ва тизимларни жорий этиш харажатларини давлат томонидан субсидиялаш ва компенсация қилиш;

(г) натижага асосланган бюджетлаштириш тамойилларига ўтган ҳолда бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш;

(д) маълум фаолият турлари ва айрим соҳаларга тақдим этилаётган субсидиялаш амалиётидан воз кечиб, уларни тизимли равишда пировард мақсадга асосланган (доимий иш ўринларини яратиш, экспортни ошириш ва бошқалар) субсидиялар ва фойзсиз ссудаларга алмаштириш;

(е) тадбиркорлик субъектларига қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этишда фойдаланилаётган ахборот тизимларини консолидация қилиш орқали ягона рақамли платформани ишга тушириш.

17-мақсад. Тадбиркорликни тартибга солишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш

(а) давлат-хусусий шериклик соҳасида яхлит тартибга солувчи ҳужжат қабул қилиш орқали хусусий секторнинг асосий капиталга инвестициялар киритишини кенгайтириш;

(б) Стратегияда белгиланган вазифаларни иноватга олиб ҳамда сўнгги

йилларда тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан тақдим этилаётган замонавий қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмлари ҳамда бу болада ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли органни белгилашни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш;

(в) тадбиркорлик субъектларига қонунчилик талабларига амал қилган ҳолда фаолият юритишига кўмаклашиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва назорат қилувчи органларнинг масъулиятини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш;

(г) илғор хорижий тажриба асосида бизнес-инкубатор, акселератор, технопарк, инновацион хаб ва бошқа тузилмаларни ташкил этишнинг ҳуқуқий базасини ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш;

(д) бизнесни тугатиш жараёнларини янада соддалаштириш, бунда молиявий хавф-хатари нисбатан кичик бўлган мезонларни белгилаш, ушбу мезонлар асосида солиқ текширувини рақамлаштириш орқали тугатиш жараёнлари муддатларини қисқартириш.

**6-йўналиш. Тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ва бизнес
учун малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини
такомиллаштириш**

**18-мақсад. Касбий таълим ва тадбиркорликка йўналтирилган
ўқитиш тизими самарадорлигини янада ошириш**

(а) илғор хорижий тажриба ва маҳаллий шарт-шароитларга асосланган Тадбиркорлик квалификациялар рамкасини (Entrepreneurship Competence Framework) ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

(б) давлат касбий таълим ташкилотларига тегишли бўлган ва амалда фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар ҳамда ер участкаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, ўқувчиларини дуал таълим шаклида ишга олиш ва амалиёт дарсларини ташкил этиш шарти билан тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тизимини жорий этиш;

(в) янги технологиялар ва ёндашувлар билан ишлашга қодир малакали кадрларни тайёрлаш учун кичик ва ўрта бизнес ҳамда таълим ташкилотлари иштирокида қўшма таълим ва амалиёт дастурларини амалиётга киритиш;

(г) таълимнинг барча босқичларида аҳолининг тадбиркорлик кўникмалари ва молиявий саводхонлик даражасини оширишга қаратилган дастурларни жорий қилиш;

(д) иқтисодий салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи юқори технологиялар марказларини ташкил этиш.

19-мақсад. Тадбиркорликни ривожлантиришга масъул ташкилотлар ходимлари малакасини узлуксиз ошириб бориш

(а) бозор инфратузилмасини ривожлантириш институтлари (IT парк, технопарклар, стартап компаниялар, «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ ва бошқалар) учун бизнес-акселератор ва венчур капитал менежерларини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

(б) тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул ташкилотлар ходимларининг халқаро малака ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш.

20-мақсад. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг яхлит тизимини жорий этиш

(а) бизнес кўникмасига эга бўлмаган ташаббускор хотин-қизларни аниқлаш ва уларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш;

(б) тижорат банкалари кўмагида ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва кичик тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

(в) хотин-қизларни бизнес-режалар ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва бозор топиш кўникмаларига ўргатиш орқали кичик корхоналар фаолиятини кенгайтириш;

(г) тез ва юқори суръатларда ўсаётган энг фаол ишбилармон аёллар билан манзилли ишлаб, уларни «чемпион» тадбиркорларга айлантириш;

(д) тадбиркор аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни республикада мавжуд электрон тижорат платформаларида жойлаштириш ва сотишга кўмаклашиш.

7-йўналиш. Масъулиятли бизнес амалиётини жорий қилиш

21-мақсад. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида масъулиятли бизнес амалиётини жорий қилиш ва кенг тарғиб этиш

(а) халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда масъулиятли бизнес амалиёти стандартларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш;

(б) тадбиркорлик субъектларининг Атроф-муҳит, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига (SDG) оид ташаббусларини рағбатлантириш;

(в) тадбиркорлик субъектларига ESG тамойилларини баҳоловчи халқаро рейтингларда (MSCI ESG Ratings, S&P Global ESG Scores, Green Business Certification) ўрин эгаллашига кўмаклашиш;

(г) маҳсулотларни истеъмол қилиш, фойдаланиш ва қадоқлашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлаб чиқарувчининг масъулиятини кенгайтириш (Extended Producer Responsibility, EPR);

(д) тадбиркорлик субъектларини «яшил кўникма»ларга ўқитиш дастур-

ларини ишлаб чиқиш ва таълим ташкилотларининг ўқув режасига босқич-ма-босқич киритиш.

**22-мақсад. Имконияти чекланган аҳолининг бизнес
ташаббусларини қўллаб-қувватлаш**

(а) имконияти чекланган шахслар эҳтиёжларига мослашган, уларнинг касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;

(б) кичик ва ўрта бизнес субъектларининг инклюзив иш ўринларини ташкил этиш бўйича ташаббусларини рағбатлантириш;

(в) тадбиркорлик субъектлари учун инклюзив иш муҳитини яратиш ва сақлаш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;

(г) ижтимоий тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар статистикасини юритишни йўлга қўйиш.

**2-боб. Стратегияни амалга ошириш, мониторинг қилиш ва
баҳолаш**

**I. Стратегияни амалга оширишга масъул вазирлик ва
идоралар**

13. Стратегия мақсадларига эришиш ва унда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ижросини мувофиқлаштиришга қуйидаги вазирлик ва идоралар масъул этиб белгиланади:

(а) молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш бўйича — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк;

(б) бизнес учун зарур инфратузилмани ривожлантириш бўйича — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги;

(в) рақобат муҳитини яхшилаш ва ташқи бозорларга чиқишни рағбатлантириш бўйича — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;

(г) рақамлаштириш, сунъий интеллект ва инновацияларни жорий этиш бўйича — Рақамли технологиялар вазирлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги;

(д) кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини ошириш бўйича — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

(е) тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ва бизнес учун малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

(ж) масъулиятли бизнес амалиётини жорий қилиш бўйича — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Савдо-саноат палатаси.

14. Вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг

Стратегияни амалга ошириш доирасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) томонидан амалга оширилади.

II. Стратегияни амалга ошириш механизмлари

15. Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган чора-тадбирлар дастури орқали таъминланади.

16. Республика кенгаши ҳар чоракда Стратегия ва чора-тадбирлар режасини муҳокама қилиб боради.

17. Стратегия ва чора-тадбирлар режасини амалга оширишда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш учун хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро молия ташкилотлари ва ҳудудий маслаҳат кенгашлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

III. Мониторинг

18. Республика кенгаши томонидан ҳар бир вазифа ва йўналиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланади ва вазифаларнинг бажарилиши самарадорлиги устидан мунтазам мониторинг олиб борилади.

19. Масъул вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ойда Республика кенгашига ҳисобот беради.

20. Республика кенгаши томонидан мониторинг доирасида аниқланган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

21. Ҳисобот натижалари жамоатчиликка эълон қилинади ва малакали экспертларни жалб қилган ҳолда муҳокамалар ташкил этилади.

IV. Баҳолаш

22. Ҳар бир йўналиш бўйича мақсадларга эришиш даражаси баҳоланиб борилади ва умумий натижалар комплекс таҳлил қилинади.

23. Стратегиянинг амалга ошириш натижаларининг қўзланган мақсадларга қанчалик мос келиши ҳар 6 ойда ўрганиб борилади ва зарур ҳолларда мувофиқлаштириш ва актуаллаштириш чоралари кўрилади.

24. Асосий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни жамлаш ва умумлаштириш ҳамда уларни текшириш Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг умумий мувофиқлигида Миллий статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

25. Стратегиянинг амалга оширилиши борасидаги ҳисобот ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этилади.

26. Кичик ва ўрта бизнес ривожланишини ҳудудлар, соҳа ва тармоқлар кесимида даврий равишда баҳолаб бориш ва мониторингини юритиш мақсадида алоҳида индекс ишлаб чиқилиб, шу асосда баҳолаш амалга оширилади

ҳамда ҳар чорак якуни билан тегишли таҳлилий маълумотларни эълон қилиш йўлга қўйилади.

3-боб. Стратегияни молиявий ва ташкилий таъминлаш

I. Молиявий ресурслар

27. Стратегияда белгиланган мақсадлар ва уларга эришиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш учун Давлат бюджети маблағлари, тижорат банклари кредитлари, «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ, венчур жамғармалар, нобанк кредит ташкилотлари, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва банкларининг ресурслари йўналтирилади.

28. Стратегияни амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий ресурслар ҳажми ҳар йили тасдиқланадиган чора-тадбирлар дастури доирасида аниқланади.

II. Халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик

29. Мазкур Стратегияда назарда тутилган мақсадларга эришиш бўйича вазифаларни амалга оширишда халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, халқаро ривожланиш ташкилотлари (кейинги ўринларда — халқаро ҳамкорлар) билан ҳамкорлик қилинади.

30. Стратегияда белгиланган устувор йўналишларда хорижий эксперт ва консультантлар жалб қилинади, шунингдек, халқаро стандартлар асосида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади.

31. Халқаро ҳамкорларнинг молиявий қўмагида тадбиркорлик фаолияти учун туртки берадиган қуйидаги лойиҳалар амалга оширилади:

(а) кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга Осиё тараққиёт банкининг «Инклюзив молия секторини ривожлантириш — молиявий воситачилик» дастури доирасида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилади;

(б) Жаҳон банкининг «Кичик бизнесни рақамлаштиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар жалб қилинади;

(в) тадбиркорлик соҳасидаги «яшил» ва инновацион лойиҳаларга Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағлари ажратилади;

(г) Германиянинг «KfW» банки томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 26,5 миллион евро миқдоридаги маблағлар йўналтирилади;

(д) Ислон тараққиёт банкининг «Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва зарур шарт-шароит яратиш мақсадларига йўналтирилади;

(е) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (UNDP), Гер-

мания халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Швейцария иқтисодий масалалар бўйича давлат котибияти (SECO) билан ҳамкорликда тадбиркорликни ривожлантиришга оид лойиҳалар амалга оширилади;

(ж) Япониянинг Ямагата университети билан ҳамкорликда менторлик институти фаолияти йўлга қўйилиб, менторлар кўмагида 100 дан ортиқ йўналишларда янги бизнес турларини ташкил этиш чоралари кўрилади.

4-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

32. Стратегияни амалга ошириш натижасида 2030 йилгача қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:

(а) кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улушини 60 фоизга, саноатда — 40 фоизга, экспортда — 35 фоизга, аҳоли бандлигини таъминлашда — 78 фоизга етказиш;

(б) ҳар 1 000 кишига тўғри келадиган фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонини 19 тага етказиш;

(в) ишчилари сони 100 нафардан юқори бўлган корхоналар сонини 5 мингтага, 10 кишидан юқори бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари улушини 11 фоизга етказиш;

(г) Жаҳон банкининг «B-Ready» ҳисоботида ва БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси рейтингида топ-50 ҳамда Глобал стартап экотизими индекси (Global startup ecosystem index) рейтингида топ-75 мамлакатлар қаторидан жой олиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПФ–50-сон Фармони
11-ИЛОВА

**Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш
бўйича республика кенгашининг
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. 2025 — 2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурларининг ижро этилишини таъминлаш ҳамда натижаларини ҳар чоракда муҳокама қилиш.

2. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда давлат ўртасидаги самарали мулоқот платформасини ташкил этиш.

3. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятидаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг алоҳида масалаларини жойларда тезкорлик билан ҳал қилишни ташкил этиш.

4. Кичик ва ўрта бизнес учун институционал ва ҳуқуқий муҳитни яхшилашда бюрократик тўсиқларни камайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, солиқ ва маъмурий юкларни енгиллаштириш.

5. Кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ҳамда инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш чораларини кучайтириш, инвестицияларни жалб этиш, инновациялар ва рақамли технологияларни жорий этиш имкониятларини кенгайтириш.

6. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро бозорларга чиқишини рағбатлантириш мақсадида товар ва хизматлар экспортини осонлаштириш, тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини халқаро сертификатлар ва стандартларга мослаштиришга қўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПФ–50-сон Фармони
13-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент
шаҳрида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича
худудий маслаҳат кенгашининг
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Худудлардаги устувор соҳа ва йўналишларни ривожлантириш мақсадида маҳаллий тадбиркорлик субъектлари билан доимий мулоқот олиб бориш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи масалаларни муҳокама қилиш ва натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш.
2. Маҳаллий бизнесни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш, уларни молиявий ва инфратузилма жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун Республика кенгашига киритиш.
3. Тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ёш ва аёл тадбиркорларни рағбатлантириш, стартаплар ва инновацион бизнес лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашиш.
4. Худудларда аҳолини бизнесга жалб қилиш, юқори даромадли иш ўринлари яратиш, саноат, хизмат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларини жадал ривожлантириш борасидаги ташаббусларни рўёбга чиқариш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**105** **Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизимига юқори салоҳиятли кадрларни жалб этиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг энг қуйи тизимгача етиб боришини таъминлаш, тизим ходимларини муносиб рағбатлантириш ҳамда вертикал бошқарув тизими самарадорлигини ошириш орқали сифатли таълимга эришиш мақсадида:

1. Қуйидагилар мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарувнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сифатли таълим беришда республика, ҳудудий, туман ва шаҳар даражасида яхлит вертикал бошқарув тизимини шакллантириш;

мактабгача ва мактаб таълимининг барча даражасидаги бошқарув тизимларига юқори салоҳиятли, замонавий билим, кўникма ва малакага эга ташаббускор номзодларни танлов асосида жалб қилиш;

мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини босқичма-босқич замонавий бошқарув ва менежерлик қобилиятига эга бўлган раҳбар кадрлар билан тўлдириш;

сифатли таълим берилишини таъминлашда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни эгаллашлари, танқидий фикрлаш, жамоада ишлаш каби кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган баҳолаш мониторингини ўтказиш;

тизимда фаолият юритаётган педагогларнинг касбий ва педагогик маҳоратини ошириш ҳамда уларга малака тоифаларини беришнинг янги тизимини жорий этиш;

тизим ташкилотлари фаолиятини рақамлаштириш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш.

2. Белгилансинки:

а) туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ҳузуридаги Махсус таъмирлаш-эксплуатация хизматидан 810 та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари жами бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 5 002 тага етказилади;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларининг кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш тизими жорий этилади;

в) 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

умумий ўрта таълим ташкилотлари директори лавозимининг базавий таъриф ставкаси 20 фоизга;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 мартда эълон қилинган.

умумий ўрта таълим ташкилотлари директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкаси 15 фоизга;

I ва II гуруҳга кирувчи мактабгача таълим ташкилоти директорлари лавозимларининг базавий тариф ставкалари тегишлича III ва IV гуруҳдаги умумий ўрта таълим ташкилоти директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкаларига тенглаштириш орқали оширилади;

г) 2026 йил 1 январдан бошлаб умумий ўрта таълим ташкилотларининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан директор ва унинг ўринбосарларига фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI) натижасига кўра базавий тариф ставкаларига нисбатан тегишлича 20 ва 10 фоиз миқдорида ҳар ойлик устамалар белгиланади.

3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбаини белгиласин ва Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда мактабгача ва мактаб таълими тизимида ислохотларни амалга ошириш учун белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ходимларининг лавозим мажбуриятларини қайта кўриб чиқсин;

уч ой муддатда умумий ўрта таълим ташкилотларининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан директор ва унинг ўринбосарларига ҳар ойлик устамаларни белгилаш учун уларнинг фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини (KPI) ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларини 2025 йил 1 апрелдан бошлаб қўшимча рағбатлантириш шартлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ушбу Фармон ижроси учун зарур маблағлар 2025 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағларни қайта тақсимлаш орқали молиялаштирилади, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 март,
ПФ–51-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПФ–51-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги
агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман (шаҳар)
бўлинмалари ходимларини қўшимча рағбатлантириш
шартлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотларидаги кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмда ҳар ойда устамалар тўланади:

а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ходимларига:

- 1 йилдан 3 йилгача — 0,3;
- 3 йилдан 5 йилгача — 0,6;
- 5 йилдан 10 йилгача — 0,8;
- 10 йилдан 15 йилгача — 1,0;
- 15 йилдан 20 йилгача — 1,2;
- 20 йилдан юқори — 1,5;

б) туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ходимларига:

- 1 дан 3 йилгача — 0,15;
- 3 дан 5 йилгача — 0,3;
- 5 дан 10 йилгача — 0,45;
- 10 дан 15 йилгача — 0,6;
- 15 дан 20 йилгача — 0,75;
- 20 дан юқори — 1,0.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ходимларига (методист ходимлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2722-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳар ойлик устамалар татбиқ этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

106 Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқиш- га оид чора-тадбирлар тўғрисида*

[Кўчирма]

Мамлакатимизда умуммиллий тотувлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, кўп миллатли халқимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз фаровонлигига дахлдорлигини кучайтириш, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

I. Устувор вазифалар

1. Жамиятда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзликни шакллантириш;

(б) Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш орқали уларнинг умуммиллий тараққиётга дахлдорлигини кучайтириш;

(в) хориждаги ватандошлар жамоалари ва ўзбек диаспораларининг миллий ўзлигини сақлашга қўмаклашиш ҳамда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини Ватанимиз ривожига сафарбар этишни қўллаб-қувватлаш;

(г) халқ дипломатияси механизмлари орқали хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-маданий ва дўстлик алоқалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш.

II. Соҳани тубдан ислоҳ қилиш

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) ташкил этилсин.

3. Белгилансинки:

(а) Қўмита миллатлараро муносабатлар ҳамда хориждаги ватандошлар

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 мартда эълон қилинган.

масалалари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

(б) Қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига бевосита ҳисобдордир;

(в) Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади;

(г) Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади;

(д) жойларда миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ишлаш масалалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юкланади ва улар ушбу масалалар бўйича Қўмита олдида ҳисобдордир;

(е) Қўмита Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

III. Умуммиллий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар

4. Қўмита ва миллий маданий марказларнинг умуммиллий бирдамликни таъминлаш чораларини кучайтиришга қаратилган қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) ҳар йили «Ўзбекистон ягона Ватан!» шиори остида юртимиздаги барча миллат ва элатлар вакилларининг ўзаро тенглиги, бирдамлигини, уларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссасини эътироф этувчи анжуман ташкил этиш;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида биттадан кўчаларни барча миллат ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини, ўзаро уйғунлашган миллатлараро муносабатларни ифодалаган «Ўзбекистон маданий бойлиги» номли кўчалар сифатида ташкил этиш;

(в) «Биргаликда кучмиз» шиори остида турли миллат ва элатлар вакилларида иборат эко-волонтерлар иштирокида экологик акцияларни ўтказиб бориш орқали долзарб масалаларни ҳал этишда дахлдорликни англаш туйғуларини кучайтириш;

(г) турли этно-маданий гуруҳларга мансуб таниқли шахслар иштирокида умуммиллий ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган лойиҳалар, дастурларни амалга ошириш;

(д) турли миллат ва элатлар вакилларининг Ўзбекистон тарихи ва бугунги кундаги барқарор ривожланишига қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар ва туркум кўрсатувлар яратиш.

IV. Хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг янги механизмлари

5. Вазирлар Маҳкамаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг «Хориждаги ватандошлар орқали билимларни трансфер қилиш» (ТОКТЕН) дастури намунасида хориждаги ватандошларнинг Янги Ўзбекистон иқтисодий қудратига қўшаётган ҳиссасини янада ошириш мақсадида инновацион ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қиладиган инсон капитали трансферини амалга оширсин, бунда юқори малакали мутахассисларни барча соҳаларда сунъий интеллектни татбиқ этиш учун таълим, соғлиқни сақлаш ташкилотларига, қишлоқ хўжалиги ва хусусий сектор корхоналарига йўналтиришга қаратилган аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгиласин.

6. Қўмита Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хориждаги ватандошлар иштирокини рағбатлантиришга қаратилган аниқ асослантилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

(а) хориждаги ватандошлар, диаспора вакилларининг тўғридан-тўғри инвестициялар киритишини қўллаб-қувватлаш;

(б) хориждаги ватандошларнинг хайрия пул маблағларини ижтимоий фойдали ва мақсадли лойиҳаларни молиялаштиришга тўғридан-тўғри йўналтириш;

(в) хориждаги ватандошлар, диаспора вакилларининг капитал бозорига инвестициялар киритишини рағбатлантириш;

(г) хориждаги ватандошлар, диаспора вакиллари туризмни ривожлантириш масалалари назарда тутилади.

7. Қўмита ва «Ватандошлар» жамоат фонди васийлик кенгашининг тадбиркорлик платформаларини яратиш, жамият ҳаётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, экологик барқарорлик, сифатли таълим каби масалаларда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш мақсадида экспертлик ва илмий доиралар вакиллари ҳисобланган хориждаги ватандошларнинг доимий мулоқоти кўринишида «Uz Global Think» форумини ўтказиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

8. Қўмита «Ватандошлар» жамоат фонди билан биргаликда:

(а) ҳар йили хориждаги ватандошларнинг «Uz Global Think» форумини ташкил этсин ва унда илгари сурилган фикрлар асосида мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларига хизмат қилувчи таклифларни шакллантириб, Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

(б) 2025 йил 1 сентябрга қадар биродар ҳудудлар, дўстлик жамиятларини хорижий давлатлар билан ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантиришда «маданий кўприк»ка айлантириш, халқ дипломатияси воситасида Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамлаш чораларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қўйидагилар:

(а) Маданият вазирлигида миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ишлаш бўйича вазифаларнинг қисқариши ҳисобига 3 та бошқарув штат бирлиги Қўмита тузилмасига ўтказилсин;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари котибиятларига миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш вазифалари юклатилсин;

(в) Маданият вазирлиги тузилмасидаги «O'zbekiston» журнали таҳририяти» давлат муассасаси Қўмита тузилмасига ўтказилсин;

(г) Қўмитанинг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

V. Қўмита ҳуқуқлари

10. Белгилансинки, Қўмита ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) Қўмита ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

(б) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хориждаги ватандошлар орасидан юқори малакали мутахассисларни ҳамда экспертларни, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш;

(в) умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ва таклифлар киритиш.

12. Қўмита раисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(а) Қўмита таркибий тузилмалари ўртасида аниқ вазифа ва функцияларни тақсимлаш;

(б) Қўмита тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

(в) Қўмита таркибий тузилмасини тасдиқлаш, ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек, уларни рағбатлантириш.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Қўмита Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 март,
ПФ–52-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПФ–52-сон Фармони
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5046-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2993-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**107 Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар
ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси
фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги «Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–52-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Қўйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

(б) Мамлакатимизда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича «йўл харита» 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари Умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоатчилик кенгашлари) деб қайта номлансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг янгиланган таркиби ва ҳудудий жамоатчилик кенгашларининг янгиланган (намунавий) таркибини давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзолари, фан ва маданият намоёндалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларида иборат таркибда тасдиқласин.

4. Белгилансинки:

(а) Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиб, Қўмитага юкланган вазифа ва мажбуриятларнинг бажарилишига қўмаклашади;

(б) ҳудудий жамоатчилик кенгашларнинг ташкилий-техник таъминоти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

5. Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

(а) Ўзбекистон халқининг бирдамлигини таъминлаш, хориждаги ватандошларни тарихий Ватани билан бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини комплекс таҳлил қилишда иштирок этиш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

(б) мамлакатимизда умуммиллий тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкам-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 мартда эълон қилинган.

** 2-илова берилмайди.

лаш, Ўзбекистоннинг халқаро имижини оширишда халқ дипломатияси механизмларидан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тайёрлаш ва Қўмитага киритиш;

(в) аҳолида Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадриятлари устуворлигини англаш туйғусини кучайтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

(г) жамиятда умуммиллий бирдамлик, хорижий давлатлар ҳудудлари билан дўстлик ва биродарлик алоқаларини ривожлантиришга оид тарғибот ишларини тизимли олиб бориш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Қўмита ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3 барабар (Қўмита раҳбариятига 4 барабар) миқдорда қўлланади;

(б) Қўмита ходимлари ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида Қўмита ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси шакллантирилади;

(в) Қўмита бошқарув ходимлари учун аввалги иш жойида ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устама ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади;

(г) Қўмитада ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

(д) Қўмита бошқарув ходимларининг лавозим маошига рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда давлат органларидаги кўп йиллик меҳнати учун 2 йилдан 5 йилгача — 0,1; 5 йилдан 10 йилгача — 0,2; 10 йилдан 15 йилгача — 0,3; 15 йилдан 20 йилгача — 0,4; 20 йилдан ортиқ — 0,5 коэффициентларда ҳар ойлик устамалар тўланади.

7. Қўмита бошқарув ходимлари таркиби юклатилган вазифаларга мос, уларни профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган малакали, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга (устуворлик асосида социолог, сиёсатшунос, халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассислар, тарихчи, юрист, филолог) бўлган масъулиятли кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

8. Қўмита:

(а) ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

(б) соҳада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларга доимий равишда ахборот, маслаҳат, ташкилий ва услубий жиҳатдан қўмаклашиб боради.

9. Ташқи ишлар вазирлиги хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган турдош ташкилотлар, ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ва юритишда, шунингдек, хо-

рижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда ва ривожлантиришда Қўмитага амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Қўмита ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, Қўмитанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар 2025 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидан «Ватандошлар» жамоат фондига ажратилган давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин ҳамда 2026 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилсин.

11. Қўмита:

(а) «Ватандошлар» жамоат фонди, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларига доимий равишда ахборот, маслаҳат, ташкилий ва услубий жиҳатдан қўмаклашиб борсин;

(б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 январга қадар Умуммиллий бирдамликни таъминлаш соҳасида давлат сиёсати концепцияси ва Хориждаги ватандошлар билан алоқалар соҳасида давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қўмита Тошкент шаҳри Бобур кўчаси 45-уйда жойлаштирилсин.

Белгилансинки, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи ва ўз биноларига эга бўлмаган миллий маданий марказлар, «Ватандошлар» жамоат фонди ва «O'zbekiston» журнали таҳририяти» давлат муассасаси ушбу манзилда жойлашган бинонинг Қўмита томонидан белгиланадиган жойларига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги белгиланган тартибда Қўмитани зарур алоқа воситалари, шу жумладан, Ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

14. Қўмита бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 март,
ПҚ-115-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 мартдаги
ПҚ-115-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва
хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитанинг (кейинги ўринларда — Қўмита) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Қўмита умуммиллий тотувлик ҳамда хориждаги ватандошлар масалалари бўйича ваколатли республика ижро этувчи органи ҳисобланади ҳамда ушбу масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

3. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Қўмита ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Қўмита юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкларга, мустақил балансга, миллий ва чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Қўмитанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита, қисқартирилган номи — Миллатлараро муносабатлар қўмитаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Комитет по вопросам межнациональных отношений и соотечественников за рубежом Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — КМОС;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — The Committee on Interethnic relations and Compatriots abroad of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — the CIRCA.

8. Қўмитанинг жойлашган жойи (почта манзили): 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй.

2-боб. Қўмитанинг ташкилий тузилмаси

9. Қўмита тизимига қуйидагилар киради:

Қўмита таркибий бўлинмалари;

«O‘zbekiston» журнали таҳририяти» давлат муассасаси.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича Қўмитага ҳисобот беради.

«O‘zbekiston» журнали таҳририяти» давлат муассасаси Қўмитага ҳисобот беради.

3-боб. Қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзликни шакллантириш;

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш орқали уларнинг умуммиллий тараққиётга дахлдорлигини кучайтириш;

халқ дипломатияси механизмлари орқали хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-маданий ва дўстлик алоқалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш;

хориждаги ватандошлар жамоалари ва ўзбек диаспораларининг миллий ўзлигини сақлашга қўмаклашиш ҳамда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини Ватанамиз ривожига сафарбар этишни қўллаб-қувватлаш;

жамиятда ва ахборот маконида миллатлараро тотувликка салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омилларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга қўмаклашиш;

Ўзбекистон халқи ҳамда хориждаги ватандошларнинг жамиятнинг муштарак мақсадлари йўлида бирдамлиги, умуммиллий ҳамжиҳатлик масалаларини тизимли ёндашув асосида таҳлил қилиш, стратегик истиқболларни белгилаш.

12. Қўмита ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзликни шакллантириш борасида:

умуммиллий тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга оширади;

жамиятда дўстлик, ўзаро ишонч ва тушуниш муҳитини асраб-авайлаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда «Биргаликда кучмиз» ғояси остида ёшларни умуммиллий қадриятлар атрофида бирлаштирувчи тарғибот тадбирларини олиб боради;

умуммиллий ҳамжиҳатликни акс эттирувчи спорт ва маданий-маърифий тадбирлар, танловларни республика — туман — маҳалла (овул) миқёсида ўтказишга кўмаклашади;

миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришга йўналтирилган ижтимоий ташаббусларни рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди;

ёшларни умуммиллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий анъана ва урф-одатларни асраш ва ривожлантиришга қаратилган ғоя ва лойиҳаларни кенг тарғиб қилишда иштирок этади;

аҳоли орасида умуммиллий тотувлик, дўстлик ва бирдамликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади, уни давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади;

ёшларни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг Ватан олдидаги бурч ва масъулиятини теран англашига хизмат қиладиган замонавий медиаконтентлар ишлаб чиқади;

давлат дастурлари, концептуал ва стратегик ҳужжатларда бағрикенглик, бирдамликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда ёшларни кенг жалб қилади ва уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланади;

б) Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш орқали уларнинг умуммиллий тараққиётга дахлдорлигини кучайтириш борасида:

мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ўзаро тушуниш ҳамда ёрдам ҳиссини кучайтиришга зарур шарт-шароит яратишда кўмаклашади;

барча фуқароларни «Янги Ўзбекистон — менинг тақдирим» шиори атрофида бирлаштириш, бу орқали уларнинг ўз тақдири Ўзбекистон билан боғланганини англаб етишига қаратилган тадбирлар ташкил этишда қатнашади;

юртимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлашга кўмаклашади;

Ўзбекистон тараққиётига дахлдорликни оширишга қаратилган «Ўзбекистон — ягона Ватан» ғояси атрофида маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этади;

мамлакатимизга ишлаш, таълим олиш мақсадида узоқ муддатга келган хорижий фуқароларнинг маҳаллий шарт-шароитларга ва ижтимоий-маданий мослашувини таъминлаш ва умумий манфаатларни рўёбга чиқаришга қа-

ратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда уни идоралараро ҳамкорлик асосида амалга оширади;

миллий маданий марказлар ва соҳага ихтисослашган бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатади, улар фаолиятининг қонунийлигини таъминлашда адлия органлари билан ҳамкорлик қилади;

миллий маданий марказларга умуммиллий манфаатларга хизмат қилувчи маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишга кўмаклашади;

мамлакатда яшовчи турли миллат ва элат вакилларини умуммиллий қадриятлар атрофида бирлаштирувчи ижтимоий буюртмалар амалга оширилишини қўллаб-қувватлайди ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

в) халқ дипломатияси механизмлари орқали хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-маданий ва дўстлик алоқалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш борасида:

хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширишда бевосита иштирок этади;

мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ташкилотлар ва дипломатик ваколатхоналар, хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар билан халқ дипломатияси асосида дўстона муносабатлар ўрнатади ва уни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар олиб боради;

жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг бой тарихи ҳамда Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт босқичидаги ютуқларига бағишланган кўргазмалар, илмий-амалий семинарлар, анжуманлар, маданий тадбирларни ташкил қилади ва нуфузли ОАВда ёритилишини таъминлайди;

ўзбек халқининг бой тарихий анъаналари тўғрисида туркум материаллар тайёрлайди ва кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлайди;

ўзбек заминида туғилган буюк олим ва мутафаккирларнинг барҳаёт меросини, уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини кенг намоён этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

ўзбек халқининг хорижий давлатлар ҳудудларида жойлашган ва сақланаётган моддий-маданий мероси объектларини асраб-авайлашда давлат ва нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилади;

юртимиз ва хорижий мамлакатлар ҳудудлари ўртасида дўстлик, ўзаро ишонч ва биродарлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда ривожлантиришда манфаатдор ташкилотлар билан чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштиради ва кўмаклашади;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳужжатлар тузади, Ўзбекистоннинг давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан хорижий мамлакатларнинг турдош ташкилотлари ва фуқаролик жамиятлари институтлари ўртасидаги кўп томонлама алоқалар ва алмашинувлар ривожланишини қўллаб-қувватлайди;

дўстлик жамиятлари ва биродарлашган ҳудудлар фаолиятини қўллаб-қув-

ватлайди ҳамда инвестиция лойиҳалари, ижтимоий буюртмаларни шакллантиради ва уларни амалга оширишга кўмаклашади;

г) хориждаги ватандошлар жамоалари ва ўзбек диаспораларининг миллий ўзлигини сақлашга кўмаклашиш ҳамда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини Ватанимиз ривожига сафарбар этишни қўллаб-қувватлаш борасида:

хориждаги ватандошларни «Ўзбекистон — ягона Ватан», «Янги Ўзбекистон — менинг тақдирим» ғоялари атрофида бирлаштириш, уларнинг тарихий Ватанига дахлдорлиги, ўз тақдири у билан узвий боғланганини ифодаловчи маданий-маърифий тадбирлар ғоясини яратади ва амалга оширади;

хорижий давлатлардаги ватандошларимиз ва улар томонидан тузилган ташкилотлар, шунингдек, чет элдаги турдош ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади;

хориждаги ватандошлар жамоалари билан ҳамкорликнинг янги «ўсиш нуқта»ларини белгилашга қаратилган мақсадли лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

хорижий мамлакатлардаги ватандошларни мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, инвестициявий ва туристик стартап лойиҳаларда фаол иштирок этишга жалб қилиш орқали уларда тарихий Ватани ривожига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади;

хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш борасида давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади;

хориждаги ватандошларимиз билан доимий ахборот алмашинувини таъминлайди ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг замонавий механизмларини жорий қилади;

хориждаги ватандошлар, биринчи, иккинчи ва учинчи авлод ўзбек диаспора вакиллариини Ўзбекистоннинг умуммиллий тараққиётига дахлдорлигини кучайтиришга қаратилган мақсадли, манзилли дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва амалга оширади;

хорижда ватандошлар иштирокидаги тадбирларда мамлакатимизнинг таъинли ёзувчи ва шоирлари, фан арбоблари, маданият ва санъат вакиллари, спортчилари иштирокини таъминлашга кўмаклашади;

д) жамиятда ва ахборот маконида миллатлараро тотувликка салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омилларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга кўмаклашиш борасида:

ахборот маконида миллатлараро тотувликка, умуммиллий ҳамжиҳатликка раҳна солувчи ҳолатларни (миллатчилик, айирмачилик ва бошқалар) мониторинг ва таҳлил қилади, бунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланади;

турли миллат ва элат вакиллариининг турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналари билан боғлиқ масалаларни тизимли ўрганади ва бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

жамиятда миллий, этник омиллар сабабли юзага келиши мумкин бўлган баҳсли ҳолатларни баҳолайди, уларни профилактика қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширишда иштирок этади;

миллатлараро муносабатлар йўналишидаги жараёнлар мониторингини олиб боради, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрлайди, эълон қилади;

ахборот маконида умуммиллий тотувликка салбий таъсир кўрсатувчи турли даъватлар, чақириқларни тезкор ўрганади ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позицияси бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;

жамиятда ва ахборот маконидаги турли таҳдидларга қарши асослантирилган фикрларни шакллантиришда олимлар, экспертлар ва фикр етакчилари билан фаол ҳамкорлик қилади;

е) Ўзбекистон халқи ҳамда хориждаги ватандошларнинг жамиятнинг муштарак мақсадлари йўлида бирдамлиги, умуммиллий ҳамжиҳатлик масалаларини тизимли ёндашув таҳлил қилиш ва стратегик истиқболларни белгилаш борасида:

қонунлар, Президент ҳужжатлари, Президент Администрацияси топшириқлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари, баёнлари, идоралараро ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Қўмига юклатилган вазифалар ижроси ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

умуммиллий бирдамлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга оид асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқади ва соҳага оид маълумотлар базасини яратади;

соҳага оид вазиятни тезкор ва автоматик равишда сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилувчи ва баҳоловчи замонавий технологияларни жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганади ва комплекс таҳлил асосида стратегик истиқболларни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

яқин, ўрта ва узоқ истиқболда умуммиллий бирдамликни таъминлашга хизмат қиладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда уни давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади;

миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалаларига доир қонун ва қонуности ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва улардаги долзарб масалалар юзасидан таклифлар тайёрлайди;

таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг профессионал кўникмаларини оширишда иштирок этади;

услугий қўлланмалар, ўқув дарсликлари, илмий адабиётларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминловчи таклиф ва тавсияларни илгари суради;

олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари томонидан амалга ошириладиган соҳага оид масалалар бўйича илмий-амалий лойиҳалар ва ижтимоий буюртмаларни қўллаб-қувватлайди;

соҳага оид тадқиқот ишларини олиб бораётган илмий изланувчиларга қўмаклашади, уларни рағбатлантириш бўйича таклифлар беради;

етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар ва мутахассислар

иштирокида миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этади ва ўтказди.

4-боб. Қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

13. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш;

Қўмитанинг ваколатига кирувчи масалаларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Қўмитага тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистика, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига мамлакатимиздаги умуммиллий тотувлик ва ҳамжиҳатлик, ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига оид қонунчилик ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

Қўмитанинг ваколатига кирувчи масалаларда судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

умуммиллий бирдамлик ҳамда ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда таклифлар киритиш;

ўз ваколати доирасида миллий маданий марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ушбу фаолиятни амалга оширишда ташкилий, ҳуқуқий, услубий ёрдам кўрсатиш;

миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг рўйхатдан ўтишда тақдим этадиган ҳужжатлари бўйича адлия органлари сўровларига мувофиқ хулосалар киритиш;

Қўмита фаолиятини самарали ташкил этиш, унга юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий илмий-тадқиқот

марказларининг мутахассис ва экспертларини шартнома асосида жалб қилиш;

соҳага доир илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни саралаб олиш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

Қўмита ходимлари томонидан фаолият самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари (KPI) бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартибини, миқдорини ва шартларини белгилаш;

Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Вазирлар Маҳкамасига, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларига кўриб чиқиш учун киритиш;

Қўмита ваколати доирасида халқаро шартномалар ва идоралараро битимлар тузиш, халқаро, ҳукуматлараро битим лойиҳаларини тақдим этиш;

Қўмита ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш;

ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмитанинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

таркибий бўлинмаларнинг функционал вазифалари ҳамда бошқа ҳужжатлари, смета ва штат жадвалларини тасдиқлаш;

Қўмита тизимида кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини самарали ташкил этиш;

Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқларда саҳифалар очиш, конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳоз ва ускуналар, автотранспорт, алоқа ҳамда ҳисоблаш воситалари, компьютер ва ташкилий техника воситаларини сақлаш ва ишлатиш бўйича ишларни бажариш, дастурий таъминотни сотиб олиш тўғрисида белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Қўмита ҳамда идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўриш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Қўмитанинг ижтимоий инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда Қўмита, унинг таркибий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва мукофотлашнинг ягона тизимини шакллантириш;

Қўмита қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Қўмита:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунинг-

дек, умуммиллий тотувликни ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, Қўмита томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали бажариш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавоб беради.

**2-§. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат
ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарларининг
Қўмита фаолиятига оид масалалар бўйича ҳуқуқлари ва
мажбуриятлари**

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмита зиммасига юкланган вазифаларни ўз ҳудудларида самарали ташкил этиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларидан статистика, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

зарур ҳолларда, зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

ўз ваколати доирасида миллий маданий марказларга ташкилий, ҳуқуқий, услубий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил қилиш;

миллий маданий марказларнинг жамиятда умуммиллий тотувликни таъминлашга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хорижий давлатлар ҳудудлари билан дўстлик ва биродарлик алоқаларини ривожлантиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш;

соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини, шу жумладан, ҳудудларда турли миллат вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

соҳа фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг миллатлараро муносабатларни қўллаб-қувватлашга оид масалаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари ва йиғилишларида иштирок этиш;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш;

умуммиллий ҳамжиҳатликнинг мавжуд ҳолати, уни янада мустаҳкамлаш истикболлари тўғрисида тегишли ахборот, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, ҳисоботлар тайёрлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари:

Қўмиитага юкланган вазифаларни ҳудудларда сифатли бажарилишини ташкил этиш, таъсирчан назоратни амалга ошириш;

ҳудудларда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларнинг мавжуд ҳолати, уни янада мустаҳкамлаш истикболлари тўғрисида тегишли ахборот, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, ҳисоботларни Қўмиитага киритиш;

соҳани ривожлантириш ва ҳудудларнинг муаммоли масалаларини ҳал қилиш бўйича дастур, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

ҳудудларда миллий маданий марказлар умуммиллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини амалга оширишига кўмаклашиш;

хорижий давлатлар ҳудудлари билан дўстлик ва биродарлик алоқаларини ривожлантириш чораларини кўриш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавоб беради.

5-боб. Қўмиита раҳбариятининг асосий функционал вазифалари

17. Қўмиита раисининг асосий функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Қўмиита фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Қўмиитага Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмиита фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва чора-тад-

бирлар режаларини амалга ошириш бўйича танқидий ва чуқур таҳлиллар ўтказиш;

Қўмитанинг ҳудудий вакиллари фаолияти билан боғлиқ истиқболдаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан Қўмита фаолиятига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири кўрсатмаларини бажариш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, мажбуриятларни тақсимлаш, Қўмита таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ваколатларини белгилаш, Қўмита фаолиятининг маълум бир соҳаларини бошқаришда ўз ўринбосарлари ва бўлинма раҳбарларининг шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

Қўмита фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Қўмита тизимида рақамлаштиришни жорий этиш;

миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар соҳаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган комплекс дастур ва чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

Қўмита ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар ва ривожлантириш дастурларининг самарали амалга оширилишига эришишни сўзсиз таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан Қўмита фаолият соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, масалаларнинг Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазири ва Бош вазир ўринбосарлари топшириқларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, ҳудудий бўлимлар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмита тизимида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг

самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Қўмимага ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг касб маҳорати, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига ва ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президент Администрацияси Регламентлари талабларига мувофиқ равишда ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамасида ҳимоя қилиниши ва Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Қўмимага киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрацияси Регламентларида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, зарур ҳолларда, давлат бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш;

Қўмита ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, уларга ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Қўмита ҳайъат мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, муҳокама яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Қўмита таркибий бўлинмалари раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Қўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини, шу жумладан, келгусида уларнинг эгаллаб турган лавозимларига лойиқлиги масалаларини кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

Қўмита ходимларининг Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши бўйича назоратни ташкил этиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-

нуни талабларига мувофиқ Қўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги ва очиқлигини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул қилиш;

Президентнинг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг улар фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Қўмита ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Қўмита тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш (хорижий мамлакатларда) ишларини тизимли асосда ташкил қилиш;

Қўмита фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ва белгиланган тартибда ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий давлатларнинг органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Қўмита номидан иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш;

зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмитанинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қўмита ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишлар қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Қўмита тизимида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармоқларини ривожлантиришда алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларни фахрий ёрлиқлар ҳамда бошқа рағбатлантиришлар билан тақдирлаш;

Қўмита мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Қўмита ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

Қўмита ҳайъат мажлисларида раислик қилиш.

Қўмита раиси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Қўмита раиси ўринбосарларининг умумий функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Қўмита раиси вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Қўмита фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан дастур ва чора-тадбирлар ижроси ҳолатини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

Қўмита ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини, жумладан, унинг ййғилишларини самарали ташкил этишда кўмаклашиш;

Ўзбекистонда яшовчи миллат ва элатларнинг тили ва маданиятини сақлашга шароит яратиш орқали миллий маданий хилмахилликни таъминлаб бориш йўналишидаги ишларни мувофиқлаштириш;

этник келиб чиқиши ва маданий мансублигидан қатъий назар барчага бир хил имкониятлар яратиш, бағрикенглик ва бирдамлик кадриятларини мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзликни шакллантириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

жамиятда миллатлараро муносабатларнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда жамиятда умуммиллий тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган илмий асосланган тақлифлар тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

халқаро ва республика даражасидаги илмий конференция, семинарлар ташкил этиш, соҳага ихтисослашган хорижий институтлар ва марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

Ўзбекистондаги миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлашда адлия органлари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистондаги миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларига ташкилий, ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш;

миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан алоқалар масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда иштирок этиш;

чет эллардаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда Ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш юзасидан ташаббуслар ишлаб чиқиш, ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш;

хориждаги ватандошлар билан алоқалар масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда иштирок этиш;

дўстлик жамиятларига ташкилий, ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш;

хорижий мамлакатлар, уларнинг шаҳарлари ва фуқаролик ҳамжамиятлари билан дўстлик ҳамда биродарлашган алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг ижро этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Қўмигада ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун ходимлар шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмига ҳайъати қарорлари, Қўмига раиси буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Қўмига раисига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифлар тақдим этиш, уларнинг касб маҳорати, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

ходимлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Қўмигада тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси Регламентлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Қўмига раиси топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Қўмигага тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон, 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ходимлар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, Қўмитанинг ҳайъат йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, муҳокама якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Қўмита фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар қабул қилиш, миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Қўмита раисига киритиш;

ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиш-қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш тўғрисида Қўмита раисига таклифлар киритиш, уларнинг функционал мажбуриятини ва юкланган вазифалар бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чоралар кўриш;

Қўмита ходимлари томонидан Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилиши таъминланишини назорат қилиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Қўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Қўмита раисига давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, улар фаолиятида фаол иштирок этиш, Президентнинг Виртуал қабулхонасидан тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Қўмита ходимларини тизимли равишда қайта тайёрлаш ва хорижий мамлакатларда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.

19. Қўмита таркибий тузилмаси бўлинмалари раҳбарларининг функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар ижросини таъминлаш;

фаолиятни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва қайд этилган кўрсаткичларга таркибий бўлинмалар томонидан сўзсиз эришишни таъминлашга йўналти-

рилган қўшимча чоралар кўриш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Қўмита раисининг мутасаддилик қиладиган ўринбосарига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Қўмита таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулияти-ни ошириш чора-тадбирларини кўриш;

хайъат қарорлари, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун киритиш, уларда қайд этилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, идоровий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Қўмита раҳбариятига киритиш;

Қўмита раҳбариятига таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмаларга тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини белгиланган талабларга мувофиқ равишда амалга ошириш, уларнинг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларни кўриб чиқиш якунлари бўйича зарур чораларни кўриш;

ходимларининг Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Қўмита раҳбариятига давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги,

сифати ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш.

6-боб. Қўмита раҳбарларининг жавобгарлиги

20. Қўмита раиси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ–6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги «ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПК–5132-сон қарори ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши;

мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Қўмитага юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Қўмита ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегия ва концепцияларда кўзланган натижаларга эришилиши, уларнинг мамлакатда умуммиллий тотувликни таъминлаш ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга таъсири;

тегишли соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш бўйича белгиланган параметрлар ва кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши;

Қўмита тизимида ижро интизомига қатъий риоя этилиши учун жавоб беради.

21. Қўмита раисининг ўринбосарлари:

қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган йўналишлар ва соҳалар бўйича вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

мутасаддилик қилинаётган йўналишлар бўйича соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга оид чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб беради.

22. Қўмита таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

фаолият йўналишларига оид қонунчилик ҳужжатлари, Қўмита раҳбарларининг топшириқлари бажарилишининг ҳолати тўғрисида ҳаққоний таҳли-

лий ва бошқа ахборотларни сифатли тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавоб беради.

7-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

1-§. Қўмита раҳбарияти ҳамда ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби

23. Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади.

24. Қўмита раиси мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш борасидаги шарт-шароитларига кўра вазирга, унинг ўринбосарлари вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

25. Қўмита раисининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосари бўлади.

26. Қўмита раиси бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари раис ўринбосари томонидан раиснинг тегишли буйруғига асосан амалга оширилади.

27. Қўмита ходимлари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

2-§. Қўмитанинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

28. Қўмита ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибиятлари миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларида ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

3-§. Қўмита ҳайъати ва жамоатчилик кенгаши

30. Қўмитада раис (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, шунингдек, унинг фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

31. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Қўмита фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Қўмита тизимидаги ходимлар ва раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда таркибий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Қўмита фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини тизимли равишда ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

Қўмита фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган, шу жумладан, жойларда сайёр мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш;

Қўмита ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Қўмита номенклатурасига кирадиган лавозимларни юклатилган вазифаларга мос, уларни профессионал даражада бажаришга қодир, малакали, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган (устуворлик асосида социолог, сиёсатшунос, халқаро муносабатлар, филолог, тарихчи, юрист) масъулиятли кадрлар билан жамлаш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Қўмита раҳбарлари ҳамда ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш, шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Қўмита ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

32. Ҳайъат мажлисига республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

33. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

34. Ҳайъат қарорлари Қўмита раисининг буйруқлари билан амалга оширилади.

35. Қўмита раиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Қўмита раиси юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини маълум қилиши мумкин.

36. Ҳайъат фаолиятининг тартиби унинг ҳайъат томонидан тасдиқландиган регламенти билан белгиланади.

37. Қўмита фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида унинг ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзолари, фан ва маданият на-

мояндалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари-дан иборат таркибда жамоатчилик кенгаши ташкил этилади.

38. Жамоатчилик кенгаши маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, соҳага оид давлат ва тармоқ дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва фикри ҳисобга олинishi, Қўмита зиммасига юкланган ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича Қўмита ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

39. Қўмита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорлик қилади.

40. Қўмита ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

Ўзбекистон халқининг бирдамлигини таъминлаш, хориждаги ватандошларни тарихий Ватани билан бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини комплекс таҳлил қилишда иштирок этиш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

мамлакатимизда умуммиллий тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро имижини оширишда халқ дипломатияси механизmlаридан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тайёрлаш ва Қўмитага киритиш;

аҳолида ягона Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадриятлар устуворлигини англаш туйғусини кучайтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

жамиятда умуммиллий бирдамлик, хорижий давлатлар ҳудудлари билан дўстлик ва биродарлик алоқалари ривожлантиришга оид тарғибот ишларини тизимли олиб бориш.

41. Қўмита ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

8-боб. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

42. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

43. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тегишли мезонлар ва ишчи индикаторларга асосланади.

44. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Қўмита раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

Қўмита фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

45. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

9-боб. Қўмита фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

46. Қуйидагилар Қўмита фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

47. Қўмита ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақ, устамалар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа рағбатлантирувчи тўловлардан иборат.

48. Қўмита ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3 барабар (қўмита раҳбариятига 4 барабар) миқдорда қўлланади.

49. Қўмита, унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг лавозим маоши Ягона тариф сеткасининг тасдиқланган разрядлари бўйича белгиланади.

Қўмита ходимларининг лавозим маоши ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядлари асосида белгиланади.

Қўмита ходимлари ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида Қўмита ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси шакллантирилади.

50. Қўмита бошқарув ходимлари учун аввалги иш жойида ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устамалар ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади.

Қўмитада ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассасаларини (бакалавриат, магистратура) тамомлаган ёки уларда илмий даража (PhD ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган ёш мутахассис ходимларга — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 13 июлдаги ПФ–6260-сон Фармонида белгиланган тартиб ва миқдорларда тўлаб бериладиган қўшимча устамалар;

Илмий даражага (PhD, DSc) эга ходимларга — лавозим маошининг 10 фоизигача (PhD — 5 фоиз, DSc — 10 фоиз) миқдорида қўшимча устама.

51. Қўмита бошқарув ходимларининг умумий иш стажидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қу-

йидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

- 2 йилдан 5 йилгача — 0,1;
- 5 йилдан 10 йилгача — 0,2;
- 10 йилдан 15 йилгача — 0,3;
- 15 йилдан 20 йилгача — 0,4;
- 20 йилдан ортиқ — 0,5.

52. Қўмита ходимлари ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида Қўмита ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан қонунчиликда белгиланган ишланмайдиган байрам кунларида ва бошқа муҳим саналарда мукофотлаш, шунингдек, устама, рағбатлантириш ва қўшимча ҳақ, мукофотлар ва иш ҳақига бошқа тўловлар миқдори Қўмита раиси томонидан белгиланади.

Қўмита ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тўловлар ҳам тўланиши мумкин.

53. Қўмита ходимларига ойлик устамалар, моддий ва кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантиришлар тарзидаги лавозим маошларига қўшимча тўловлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10-боб. Қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши

54. Қўмита раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига, Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ўз фаолияти соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, давлат бошқаруви тизимини мақбуллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаишини таъминлайди;

умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўналишлари ҳамда вазифаларни амалга оширишда мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларнинг мунтазам равишда кўриб чиқилиши ва бартараф этилишини ташкил қилади;

белгиланган тартибда бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

55. Вазирлар Маҳкамаси Қўмита раҳбарларининг фаолиятини юкланган вазифаларнинг улар томонидан самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг қилиб боради, Қўмита фаолияти самарадорлигини ҳолисона баҳолайди.

56. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра Қўмитанинг алоҳида ўрнатган кўрсатган ходимларини рағбатлантириш чоралари кўрилади, жиддий камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан эса тегишли жавобгарлик чоралари қўлланади.

11-боб. Яқунловчи қоида

57. Қўмита қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

108 Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-9*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ–422-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 22 декабрдаги 19, 201 ва 106-сон қарори (рўйхат рақами 2168, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 март,
2-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 мартда эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 13 март,
238-сон

**Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги****Б. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 7 март,
3347-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг 2025 йил 14 мартдаги
2-сон, Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирлигининг 2025 йил 7 мартдаги
3347-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия
вазирлигининг 2025 йил 13 мартдаги
238-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «16» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин.

2. 10-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«мазкур Низомнинг 12 ва 13-бандларига мувофиқ ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартлари билан назарда тутилган тўловларга, ижтимоий солиқ тўловларини ўз ичига олган ҳолда;»;

«б» кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра нотариус, нотариус ёрдамчиси ва нотариал архив мудирининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентларини бир ярим барабар миқдорда қўллаш билан боғлиқ тўловларга;».

3. 12-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини

жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3561, 2024 йил 22 октябрь) билан назарда тутилган моддий рағбатлантириш;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, нотариус ва нотариус ёрдамчисининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентларини бир ярим баравари миқдорида қўллаш билан боғлиқ тўловдан ташкил топади.».

4. 13-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3561, 2024 йил 22 октябрь) билан назарда тутилган моддий рағбатлантириш;»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 9 июлдаги 343-сон «Ўзбекистон Республикаси судьяларини, прокуратура ва адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, нотариал архив мудирининг даража унвонлари ва кўп йил ишлаганлик учун лавозим маошларига қўшимча ва устамалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, нотариал архив мудирининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентларини бир ярим баравари миқдорида қўллаш билан боғлиқ тўловдан ташкил топади.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2025 йил 14 мартдаги 2-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил 7 мартдаги 3347-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 13 мартдаги 238-сон “Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2025 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-9.